

Ҳамид

Ҳамидулла Абдулла

Қўқон хон



Қў  
ХОН

# Хамидулла Абдуллаев

## Қўқон хонлари

*[http://www.litres.ru/pages/biblio\\_book/?art=27422788](http://www.litres.ru/pages/biblio_book/?art=27422788)*

*SelfPub; 2017*

### Аннотация

Биз ушбу асаримизда Қўқон хонликлари давридаги миллатимизнинг, юртимизнинг ўзига хос жиҳатларини имконият даражасида ёритиш, у давр бизлар билан қандай бошланиб, қаерда ва қандай хайрлашди, нималарни тухфа қилиб ва яна нималарни юлиб кетди. Қандай хайрли ишлар қилиниб, нималар амалга ошди, уларнинг жафокашлари кимлар эди. Худди шу каби эзгуликка кимлар раҳна солди, миллатнинг ғурурини топтаган, унга зулм қилган аблахлар кимлиги ҳақида сўз юритамиз. Ўтмишнинг ноқис асоратларини даволаш билангина бахтли келажакка эришиш мумкин.

Бир «ўқимишли» танишим менга мурожаат қилиб шундай деди:

– Малика Нодиранинг ҳайкалини Ўрданинг рўпарасига ўрнатса бўлмайдими?

– Нега? – дедим.

– Ахир уларнинг қароргоҳи ўша ер-ку, – деди у соддадиллик билан.

– Хонларнинг бу қароргоҳи қурилиши Нодирабегимнинг вафотидан йигирма йил ўтиб кейин бошланган, – дедим.

– Ундай бўлса уларнинг «қароргоҳи» қаерда бўлган?

Ҳурматли ҳамшаҳарлар сизларни қизиқтирган Қўқон хонларини ҳар бирини алоҳида ёритиб борамиз. Улар нечта, кимлар бўлган, тақдирлари ҳақида қисқача маълумотлар берамиз, кузатиб боринг.

## **СЎЗБОШИ**

*Биргина чинор дарахти вояга етиб улғайгунича қанча тарихий жараёнлар ўтиб кетган бўлади, эҳтимол хонликлар даврининг жами бир чинор умрига тенг бўла олмагандир.*

Доноликни севамизми, лаззат оламизми, нима учун севамиз ва лаззат оламиз?

Қизиқ саволлар. Чиндан ҳам доноликни барча бирдек севамайди, бирдек лаззат ҳам олмайди. Доноликни севиш билан доно бўлиб кўринишни хошлаш бутунлай бошқа-бошқа нарсалар. Доноликни севиш узлуксиз ўрганиш, тинимсиз ўз билимсизлиги ва нуқсонлари билан курашишдир. Фақат доно бўлиб кўринишни хошлаш эса худбинлик. У кишини кибр то-

мон судрайди, бундай одамлар қимматбаҳо либослар кийиб, лаззатли таомлар еб, ҳашаматли иморатлар қуришни донолик деб тушунадилар. Албатта серобчиликда, чиройли ҳаёт кечириш барчанинг орзуси, лекин уни меҳнат билан қўлга киритиш асосий масала бўлиб, чинакам донолик меҳнат қилмасликни, фаолиятсизликни қоралайди. Донолик баркамоллик, севги, ижод, санъат томон етаклайди. Демак донолик баркамоллик ҳамдир. Баркамоллик эса хоҳишларни жиловлаш, ақлга бўйсундиришдир. Ақлга бўйсундирилган хоҳишлар нималарга ундайди – ҳаётни севишга, нафақат ўз ҳаётини, балки наботот оламини, ҳайвонот дунёсини, бутун борлиқни севишга, гўзалликни қадрлашга ва ўзи ҳам гўзаллик яратиш йўлида фаолият кўрсатишга ундайди. Демак донолар келажак учун масъул одамлар, улар ана шу йўлда фаолият кўрсатаётган жафокаш кишиларни парвариш қилишлари, асраб-авайлашлари шарт. Ўтмишни чуқур ўрганиш, унга холис қарай билиш, келажак учун қилинаётган хайрли ишларнинг энг салмоқли қисмидир. Ана шундай ҳаёллар мени мозийга етаклади, ўша даврларнинг баъзи бир лавҳаларини аниқлаб, азиз китобхонлар ҳукмига ҳавола қилдим.

Ҳурматли китобхонлар 2009 йил мустақилликка эришганимизнинг 18 йиллиги Қўқон хонлигининг барпо бўлганининг 300 йиллигидир. Бу уч аср давомида оламда қанча ўзгаришлар бўлди. Инсоният қанча-қанча жараёнларни бошидан кечирди. Лекин ўтмиш ҳар доим у қандай бўлганлигидан қатъий назар келажак учун зарур ва ибратлидир. Ўтмиши-

миз ҳақидаги анчагина ёзувлар афсуски, бизгача етиб келмаган, етиб келганларининг ичида ҳам чалкашликлар мавжуд. Хонликлар давридан бир шингилгина маълумот ёритишга азм қилиб мен анчагина мавҳумликларга рўпара бўлдим. Хонликлар даврининг кўпгина воқеалари мавҳумлик пардаларига ўралиб, афсона ва ривоятлар билан қоришиб кетган. Уларнинг қай бири афсона ва қай бири ҳақиқат эканини мукамал қилиб ёритиш учун тарихчи мутахассисларимиз ва олимлар анчагина тер тўкишларига тўғри келади. Мен ўша ёритилиши лозим бўлган бинонинг бир донагина ғиштини қўйиб бериш орзусида қўлимга қалам олдим. Хужжатларга суянган ҳолда баъзи воқеаларни бироз бадийлаштиришга ҳаракат қилдим. Бу усул ўқувчини илмий хужжатлар билан толиқтирмаслик учун қилинган ҳаракат.

Ижод, бу фикрлаш, фикрлаш эса илоҳийдир. Мен эркин фикрлаб, эркин таҳмин қилиб, хужжатлардан фойдаланиб яратган баъзи бир мисраларда хатоликка йўл қўйган бўлсам сизлардан узр сўрайман.

Биз ўша даврнинг қиёфасини, реал жараёнларини тасаввур қила оламизми? Қиламиз, лекин тўла эмас. Ҳар биримиз ўз савиямиз ва билимимиз даражасида. Билимимиз, савиямиз эса ҳар хил, шунинг учун ўтмиш ҳақидаги тасаввурлар хилма-хил, ранг-баранг ва баҳсли. Шундай бўлиши керак, шундай бўлиши фойдали. Демак ўтмиш қиёфасини тиклаш учун жуда кўп ўрганиш лозим, чунки тараққиёт тинмай одимлайди. Одамлар, анжомлар, табиат ҳатто ўтмиш-

даги сўзлар ҳам ўзгариб боради. Ўтмишни яқинроқ билиш учун ўзгариб борувчи инсониятни, табиатни, иқлимни ҳатто урф-одатларни, санъат ва маърифатни, кийим-бошдан тортиб, нималарга эга эканликларини билишимиз керак.

Ҳар бир давр бизларни тараққиётнинг маълум поғонасига элтиб, сўнгра ўтмишга айланади. Мавжуд кишиларга ўша тараққиётнинг энг юқори нуқтасидан туриб фикр юритиш имконияти бор. Лекин биздан юқорига кўтарилиш келажакка насиб қилади холос. Ўтмишнинг нуқсонларини кўра олиш мумкин, келажакнинг нима нуқсонларга йўл қўйишини билиш қийин. Инсониятнинг мақсади юқорилаш, қуйи тушиш эмас.

Биз ушбу асаримизда Қўқон хонликлари давридаги миллатимизнинг, юртимизнинг ўзига хос жиҳатларини имконият даражасида ёритиш, у давр бизлар билан қандай бошланиб, қаерда ва қандай хайрлашди, нималарни тухфа қилиб ва яна нималарни юлиб кетди. Қандай хайрли ишлар қилиниб, нималар амалга ошди, уларнинг жафокашлари кимлар эди. Худди шу каби эзгуликка кимлар раҳна солди, миллатнинг ғурурини топтаган, унга зулм қилган аблахлар кимлиги ҳақида сўз юритамиз. Ўтмишнинг ноқис асоратларини даволаш билангина бахтли келажакка эришиш мумкин.

Бир вақтлар хонлар тўғрисида ижобий фикр билдириш мутлақо мумкин эмас эди. Уларни қонхўр, зулмкор қилиб кўрсатиш ва у даврларда мутлақо адолатли ишлар бўлмаган деб таърифлаш талаб қилинарди, айти чоғда баъзи ижод-

корлар ўша хон ёки султонларни осмону фалакка кўтариб мактамоқдалар. Бу икки хил усул ҳам тўғри эмас. Биз ўтмиш кишиларини ким бўлишларидан қатъий назар, қандай бўлган бўлсалар шундай таърифлашимиз лозим. Фақат шундай қилсаккина келажак учун фойдали ва ибратли бўлади.


Афсуски, кўпгина замонларда айрим кишиларнинг лоқайдлиги ёки худбинликлари оқибатида анча-мунча жараёнлар ёритилмай қолади ёки бузиб кўрсатилади. Бундай ноқислик чинакам гўзалликларни бузиб кўрсатади, аксинча кераксиз ишлар муболаға қилинади.

Бундай нодонлик оқибатида келажак учун зарур бўлган қанчалик улуғ ишлар изсиз йўқолиб кетади, бизлар учун ўша ишлар атрофидаги муболағалар, афсоналар, ривоятлар етиб келади. Ҳар бир давр келажак учун масъул эканини билмай яшаши жинойатдир. Ўтмишнинг мавҳум асоратлари албатта келажакка маълум миқдорда ўз таъсирини кўрсатади. Адашиб қолмаслик учун ўтмишни чуқур ўрганиб тўғри ёритишдан бошқача йўл йўқ. Қўқон хонликлари тўғрисида ҳужжатли ва бадий асарлар талайгина ёзилган, кўплаб илмий ишлар ва диссертаўиялар ёқланган. Унчалик кўҳна, унчалик узоқ бўлмаган бу давр менимча яхши ёритилмаган, баъзи бир тадқиқотчилар нотўғри йўлдан юрганлари ҳам аниқ. Тарихий-ҳужжатли асарлар ҳали жуда кўп ёзилиши лозим, айниқса улар бадийлик шарбати билан суғорилиб, ўша воқеа-ҳодисаларнинг сабаб ва оқибатларини тўғри ёритмоқ жуда-жуда зарур. Хонликлар даври ўтмишимиз, тарихимиз-

нинг бир қисми бўлгани учун ҳам ўша даврларни билишга, ўрганишга масъулмиз, шу заминда яшаганимиз учун янада.

Хурматли ўқувчи, мана биз неча хил китоблар ва қанча-қанча ҳужжатлар яна қанча эскириб чанг босган ёзувларни титкилаб, тарихимизнинг бир лавҳасини акс эттирдик. Ана шу қисқагина ёзувлардан маълумки, биз яшаб турган заминда боболаримиз, момоларимиз нақадар мураккаб, заҳматли баъзан даҳшатли йўлларни матонат ва ишонч билан босиб ўтганлар. Бу ватаннинг келажагини, яхлитлигини таъминлаш учун қанча тер ва куч-ғайрат сарфлашган, қон тўкишган, жон беришган. Биз бу бўстонни янада обод қилишимиз, чаманзору боғу бўстонларни, яшиллик салтанати-ю жонивор оламини, сайроқи қушлару булбулларини, шўх оқар жилғалари-ю анҳорларини асраб авайлашимиз лозим. Мамлакатимиз олимлар, донолар, фидоийлар юртига айлансин. Менинг ба асарим юксак илмийликка ҳам бадийликка ҳам даъвогарлик қилмайди, қизиқарли саргузашт ва ҳикоялар билан безаганим ҳам йўқ. Энг зарур керакли китоблар ва ҳужжатлар асосида ўз мулоҳазамни қушиб, қисқагина ўша даврни ёритишга ҳаракат қилдим. Бу асарни кичик бир қўлланма деб қабул қилишларингни хоҳлайман. Қайсидир дўстларимиз зикр қилинган бу даврни кенгрок ёритиб мукамал асарлар яратишади деб умид қиламан. Қанақадир хатолик ёки чалкашликка йўл қўйган бўлсам, олдиндан узр сўрайман. Бу асар мукамал илмийлик ёки бадийликка даъвогарлик қилмайди.

Вақт ўтиши билан кимларнидир манфаатига мослаб тарихни ўзгартириб ёзиш каби бузғунчиликлар учраб туради. Бундай мудҳиш хатолик кўпинча юртимизнинг гўзал кишилари қиёфасини бузади, аксинча қайсидир бадбашара кимсани улуғлаб юборади. Мен ана шундай ноқисликдан эҳтиёт бўлиб қалам тебратдим.



## **ФАРҒОНА ВОДИЙСИ**

Тоғлар орасида жойлашган водий. Тянь-шань, Ҳисор, Олой тоғ тизмалари билан ўралган. Водий Ўрта Осиёдаги аҳолиси энг зич жойлашган ўлка. Андижон, Наманган, Ўш, Жалолобод, Марғилон водийнинг энг қадимий шаҳарларидан ҳисобланади. Ғарбда ва Шимолий Ғарбда Қўқон, Хўжанд, Конибодом, Ўратепа (Истрафшон) шаҳарлари жойла-

шган. Жаннатмакон бу ўлканинг табиати ранг-баранг, ерлари серҳосил, оқар сойлар ва боғу роғлардан ташкил топган. Аҳолиси ҳам табиатига монанд хилма-хил бўлиб, ўзбеклар, қирғизлар, тожиклардан иборат. Бундан ташқари неча хил элатлар ва миллатлар ёнма-ён, кўни-кўшни бўлиб яшаб келганлар. Қўқон шаҳри атрофи бир неча йирик қишлоқ ва туманлар билан ўралган бўлиб, бу ерда илм-фан, маърифат, хунармандчилик яхши ривожланган эди. Водий Бухоро Амирлигига расман тобе бўлса-да, ўлпон тўлашдан бошқа масалаларда мустақил ва эркин бўлиб, аҳолининг савияси, маданияти, жанговорлиги бошқа ўлкалардан юқори эди. Водийда оқар сувлар (Норин, Қорадарё, Сўх, Исфара, Шохимардонсой, Говасой, Чодаксой) кўп. Айниқса ер ости сувлари янада сероб. Водийнинг эрксевар, жасур одамлари учун Бухоро Амирлигига бўлган тобелик ёқмас, йирик шаҳарлар тобеликдан юз ўгириб мустақил иш юритишлари натижасида зиддиятлар келиб чиқар, гоҳо исён чиқиб катта хунрезликларни келтириб чиқарар эди. Қўқон шаҳарлар ичида ўзининг кўпгина хусусиятлари билан ажралиб туради. Фарғона водийсининг ғарбий қисмида Сўх дарёсининг қуйи оқимида жойлашган. Этимологияси ҳақида турли фикрлар мавжуд. Кўпгина манбаларда «Ҳавоканд» яъни «гўзал», «ёқимли» ёки шамол шаҳри маъносида учрайди. Қадимги Қўқон Ҳиндистон ва Хитой карвон йўлида жойлашган бўлиб, муғуллар истилоси даврида вайрон қилинган. XIV-асрга келиб Қўқон янгидан қаддини тиклади. Гўзал шаҳарлар қаторидан жой

олиб ўзининг илгариги мавқеини тиклаб олди.

## **ШОҲРУҲХОН (БИРИНЧИ ХОН)**

*Ҳукмрон энг аввало ўз миллатининг энг меҳрибон кишиси бўлиши билан бирга уларнинг шифокори, ўзидан воз кечган фидоийси бўлиши лозим.*

Айтишларича, жангда мағлуб бўлиб чекиниб келаётган Бобур ва жангчилари Қўқон шари чеккасидан ўтаётиб сой бўйида андак дам оладилар, жўнашларидан аввал, зарли либосларга ўралиб олтин бешикка бойланган бир болани ташлаб кетадилар. Бу воқеадан ўша мавзеда истиқомат қилувчи «Чанкат», «Сарой» ва «Тарғова» гуруҳи вакиллари огоҳ бўладилар. Ул уч тоифа халқ болани эъзоз-икром билан олиб ўз жойларига қайтибдилар. Қуръа ташлаш йўли билан болани «тарғова» жамоаси, жавоҳирлар ва олтин бешикни «сарой» ва «чанкат» жамоалари бўлишиб олибдилар. Боланинг номини Олтин бешик қўйибдилар. Олтин бешикнинг шажараси қуйидагидан иборат. Султон Элик, унинг ўғли Худоёр, унинг ўғли Муҳаммад Амин, унинг ўғли Абулқосим, унинг ўғли Шохмастбий ва ниҳоят Шохмастбийдан Шохрухбий дунёга келади.

Шохмастбийни баъзи манбаларда Аширбек деб ҳам атайдилар. 1709 санада Минг қабиласи билан Чодак хўжалари ўртасида бўлиб ўтган қақшатқич уруш натижасида Минглар қабиласи ғолиб чиқди. «Кўк тўнли»лар истиқомат қилувчи ерда қалъа қурилиб, «Хўқанд хонлиги»нинг дорилхалофа-

тига айланди.

Олтин бешикдан икки юз йил ўтиб дунёга келган Шохрухбий ниҳоятда хушрўй, қобилиятли ва жасур йигит бўлиб ўсади. Шикор пайтида найза билан бир йўлбарсни ярадор қилиб барчани қойил қолдиради. Ўша даврларда Қўқонни (Хўқанд) Чодак «хожа»лари бошқариб турардилар. Ўзбек жамоалари биргаликда маслаҳатлашиб Шохруххонни хон қилиб кўтарибдилар. Бу воқеани вақтинча махфий тутишиб хийла ишлатибдилар. Хушрўй бир қизни Чодак хокимига турмушга чиқаришиб, тўй қилибдилар, тўйга ташриф буюрган барча «чодак хожалари»ни сўйиб ўлдирибдилар ва лашкар тортиб Чодакни забт қилибдилар. Бу ишлар амалга ошгандан сўнг Шохруххонни Қўқоннинг хони қилиб кўтарибдилар. Икки сойнинг ўртасига яъни «Кўк тўнли азизлар» мавзеига хонлик қароргоҳини қурибдилар. Бу воқеа 1709 йил (милодий) 1121 хижрий йилда содир бўлган. Шохрухбий ўн икки йил хонлик қилиб 1721 йилда вафот қилган. Ундан уч ўғил таваллуд топган: Абдурахимбек, Абдулкаримбек, Шодибекдир.

«Тарихи Шохрух» асарида Қўқоннинг биринчи хони Шохруххоннинг ўлими билан боғлиқ бир воқеа эътиборни жалб қилади:

Шохруххон наманганлик Мулла Бозор Охунднинг муридларидан бирини ўз хизматида ишлатиб юрар эди. Мулла Бозор Охунд Қўқонга келиб Шохруххондан ул муриддини озод қилишини илтимос қилади, хон илтимосни рад қила-

ди. Шайх хондан хафа бўлиб, бир муридилинг уйига бориб, деворга Шоҳруҳхон тасвирини тушириб, суратни ўқ-ёй билан отади. Ўша куни хоннинг қўлига яра чиқиб вафот қилган эмиш. Бу воқеа 1721 йили содир бўлган.

\* \* \*

Шомастбийнинг обрў-эътибори жуда юқори бўлиб, давлатманд киши эди. Унинг тасарруфида серҳосил ерлар, боғу роғлар бўлиши билан бирга йилқи ва эчкилар, зотли сизирлар ва арабий отлари ҳам бор эди. Унинг хонадонида ҳар доим меҳмондорчилик ва зиёфат тинмас, теварак-атрофдаги энг хос кишиларнинг қадами аримас, ёшу кексалар уни ҳурмат қилиш билан бирга хон авлодидан деб эъзозлашар эди. Олтинбешиқхонни вояга еткурган бу оила, минглар уруғининг (Ўзбекия) энг нуфузли хонадони ҳисобланар, барча уруғ, ҳатто бошқа уруғлар ҳам уларга ҳавас қилиб ҳурмат билан қарар эдилар. Уларнинг насллари аксарият эркаклар бўлиб, бошқа нуфузли оилалардан келин олишар, бири-биридан гўзал, паҳлавон йигитлар улғайиб етишар, улар мавқеи жихатидан ҳам йирик хонадон бўлиб, теварак-атрофларда бир-бирини қўллайдиган хешу ақраболар беҳисоб, иқтисодий ва жисмоний бақувват бу хонадон билан рақобатлашадиган куч яқин атрофда топилмас эди.

Тарғова, Чанкат қишлоқлари тўқайзорлар билан тутшиб кетган, тўқай ичи парранда-ю даррандаларга бой, қуён-тулкилар югуришиб юришар, қирғовуллар патирлашиб учишар, онда-сонда бўри ва қоплон каби йиртқичлар ҳам учраб ту-

рар, ҳатто ёввойи тўнғиз ва йўлбарслар ҳам бор эди.

Шомастбийнинг энг сеvimли машғулотларидан бири овга чиқиш бўлиб, тўнғич ўғли Шоҳруҳбий доимий ҳамроҳи эди.

– Шоҳруҳ, мен билан овга чиқасанми? – деди Шомастбий ўғлига меҳр билан тикилиб.

– Албатта дадажон, ов қилишни жуда хуш кўраман, – деди Шоҳруҳ қувончи ичига сиғмай. – Қачон борамиз?

– Эртага тонг чоғи.

Овнинг жуда гаштли бўлишига ишонган ота-бола бир неча машҳур овчилар қуршовида тўқайзорга кириб келишди.

– Қулоғингда бўлсин ўғлим, овчи жасур бўлиш билан бирга жуда зийрак ва сезгир бўлмоғи лозим. Ҳеч қандай ҳолатда шошилиб қолмагин, чаққонлик билан шошқалоқлик бошқа-бошқа хусусиятлардир.

– Буни эсимдан чиқармайман, ота.

– Яхши, ҳар доим гапимга қалбинг билан қулоқ соласан, бу хусусиятинг улуғлик аломати. Сени келажакда катта ишлар кутмоқда.

– Ишончингиз учун раҳмат.

– Жуда ҳам ичкарилаб кетманглар, йўлбарслар ҳам борлигини эсдан чиқарма.

– Мен йўлбарс билан бир неча бор тўқнаш келганман.

– Йўлбарс йиртқичлар ичида жуда мард ҳисобланади, у одамларга бесабаб ҳужум қилмайди, лекин ёввойи тўнғиз ўта хавfli маҳлуқ, орқа-олдига қарамай ҳужум қилади, унча-мунча зарба билан нобуд ҳам қилиб бўлмайди.

– Ота бизга рухсат берасизми?

– Майли ўғлим борақол, Шомансур доим ёнингда бўлсин.

– Сизлар қайси томонга борасизлар?

– Биз чапга, сизлар ўнгга. Раҳимқул шу ерда қолиб тушлик тайёрлайди. Учрашув жойимиз ҳам шу ерда бўлади.

– Мен сизга қирғовул олиб келаман.

– Худо омадларингни берсин, овларинг бароридан келсин.

Шоҳрухбий дўсти Шомансур билан тўқай ичкарисига от солдириб кетдилар. Тўқайнинг ҳайвонот олами ранг-баранг бўлиб, жуда ҳам бой эди. Баҳайбат дарахтлар орасидан ёввойи қуёнлар югуриб чиқишар, ҳар хил қушлар париллаб чиқиб ўзларини панага олардилар. Ахён-ахёнда ҳуркович жайронлар ҳам учраб, қуюндек югуришиб бир лахзада кўздан ғойиб бўлардилар. Қувончини ичига сиғдиrolмаган Шоҳрухбий отилиб чиққан жайроннинг кетидан от солди, ўлжасининг орқасидан қувишга берилиб кетиб, анчагина ичкарилаб кетди. Йўрғанинг чопқирлиги жайроннинг абжирлигига бас келолмас, терлаб-пишиб югуришда давом этарди. От сесканиб кетди, пишқириққа ўхшаган товушдан ил-кис тўхтади.

Атиги йигирма қадам нарида совуқ кўзларини Шоҳрух томонга қадаб баҳайбат йўлбарс депсиниб турарди. Думини гажжак қилиб наъра тортишидан ҳамла қилмоқчилиги сезилиб турарди. Йўлбарс икки сабабга кўра одамга ҳужум қилиши мумкин. Болалаган пайтда инига яқин келиб қолинса, очликдан ўта қийналган ҳолатда ёки бирор сабаб-

га кўра ярадор бўлса одамдан ўч олиши аниқ. Ўз кучига ишонган Шохруҳбий ўзини йўқотиб қўймади, у илгарилари ҳам ҳар хил йиртқичларга дуч келган, лекин ҳозиргидек бундай яқин масофадан унга рўпара бўлмаган. У ўйланиб қолди, агар орқасига қочса йиртқич албатта ҳамла қилади, жойида қимирламай туришнинг иложи йўқ, чунки от сесканиб титрамоқда, илкис ҳаракат қилиб ишни бузиб қўйиши мумкин. Йўлбарсни камон билан қулатиб бўлмайди, аксинча яраланиб қаттиқ хужумга ўтади. Қўлидаги найзани шайлади, йўлбарс наъра тортиб яна хужумга ўтади. Қўлидаги найзани шайлади, йўлбарс наъра тортиб яна яқинлаша бошлади. Қандай чиройли жонзот ўйлади Шохруҳ, бир зарба билан қулатиш мумкин, лекин жонивор увол бўлади. Ахир у тўқайзорнинг ярашиғи-ку, ҳайвонлар подшосини ўлдириш инсофдан эмас. Ўйланиб ўлтиришга фурсат қолмади, қўлидаги найзанинг тўмтоқ томони билан сакрашга шайланган йиртқични зарб билан урди, кўз очиб юмгунча иккинчи бор орқа оёғининг юқори қисмига янада кучлироқ зарба берди. Хавф-хатар чекина бошлади, орқа оёғидан қаттиқ зарба олган маҳлуқ оқсаб-оқсаб чекина бошлади. От чоптириб етиб келган Шомансур ажойиб манзарани кўриб жойида анграйиб қолди.

– Бу йўлбарс-ку, – деди у ховлиқиб. – Сизга хужум қилмадими?

– Қилмоқчи бўлди, лекин эплай олмади.

– Найза санчдингизми?

– Йўқ, кети билан урдим.

– Ҳазиллашяпсизми?

– Йўқ, чиндан айтаяпман.

– Нега бундай қилдингиз?

– Ўлдиргани кўзим қиймади.

– Йиртқичга шу даражада шафқат қилиш хавфли-ку.

– Хавф-хатар олдида ўзингни йўқотмасанг, ҳар қандай офат чекинишга мажбур бўлади.

– Орқага қайтамизми? Мен йўл-йўлакай ов қила олмадим, лекин сизни ахтаравериб чарчадим.

Анча-мунча ўлжа билан қайтишган йигитлар, гулхан атрофига бориб ўтирдилар.

– Отам келмадиларми?

– Ҳали замон келиб қолишса керак, – деди Раҳимқул. –

Таом олиб келайми?

– Ҳозирчалик чой келтирсанг етарли.

– Хўп бўлади.

– Нима таом тайёрладинг?

– Кийик гўштидан кабоб қилдим.

– Қирғовул гўштидан шўрва тайёрла, дадам хуш кўрадилар.

Шоҳрухбийнинг йўлбарс билан олишгани бутун қишлоққа ва аста-секин теварак-атрофга ёйила бошлади. Биров у деса, биров бу дейди. Шоҳрухбий ёлғиз ўзи каттакон йўлбарс билан олишиб, найза билан ҳалок қилибди деса, яна кимдир йўқ, қуролсиз кўли билан маҳв қилибди дейди. Шоҳ

авлодидан бўлган Шоҳрухбийнинг обрў-эътибори ўн чандон  
ошиб кетди.

- Чинакам шоҳ авлодидан-да.
- Шоҳ бўлишга муносиб йигит-да.
- Жасурлиги ҳусни-жамолига монанд.

\*\*\*

Карнай-сурнайнинг садоси худди оламни титратаётган-  
дек, еру осмон унга жўр бўлиб рақсга тушаётгандек. Барча  
шод, барча хуррам, қувончлар ҳамма ерни тутиб кетган. Сод-  
дадил, одми кишиларнинг энг севимли одатлари тўю-томо-  
ша, сайил, ўйин-кулгилар. Имкониятлари чекланган, юпун,  
ярим оч, қўли юпқа бу ночор одамлар ана шундай томоша-  
лардан тасалли топиб, ўйин-кулгу билан ўзларини овутиб,  
омонат қувончлар билан кифояланар эди. Теварак-атрофдан  
тумонат одамлар йиғилган. Шомастбий ўз ҳисобидан сайил  
уюштириб, элу юртга ош бермоқда. Бундай анжуманлардан  
қўзланган мақсад кишиларни жамлаб обрў-эътибор олиш,  
ўғли Шоҳрухбийни элга танитиш. Ҳар сафаргидек халқнинг  
меҳрини қозонган санъаткорлар, қизикчилар, аскиячилар,  
созандалар ҳамда энг номдор полвонлар кураши ҳар до-  
им сайилнинг диққат марказида бўлади. Уларнинг баҳслари  
қийқириқлар ва олқишлар билан бир неча соат давом этади.  
Гоҳо полвонларнинг кураши натижасиз тугаб эртасига да-  
вом этади. Шундай полвонлар борки, кураги ерга тегмаган.  
Уларнинг курашлари барчани хаяжонлантириб юборади, ти-  
нимсиз қийқириқлар остида ўтадиган бундай баҳслар киши-

ларни икки гуруҳга ажратиб юборади, ажралиш бир қанча баҳс-мунозараларга, ҳатто жанжалларга сабаб бўлади. Бугун полвонлар ичида асло енгилмаган Халилхўжа полвон ҳам бор, у ҳали бирор маротаба ҳам енгилган эмас, бир неча йилларки биринчиликни қўлдан бермайди. Алпқомат Халилхўжа полвон табиатан ҳалол, чиройли ва гавдали йигит. Гавдаси кўрғошиндек оғир, ердан узиб бўлмайди, бели чўяндан ҳам қаттиқ, қўли якка суяк, илиги тўла, бадани темир деган гаплар юради. Бош ҳакам унинг номини айтиб, талабгор борми деганда ҳамма бараварига қарсак чалиб юборди, бақиритиб олқишлади. Ҳаммаёқ жим-жит, ким ҳам юрак бетлаб чиқар экан деган шивирлашар бошланди. Ҳар сафаргидек дадил отилиб чиқадиган даъвогар йўқ. Жимлик анчагина ҳукм сурди, наҳотки... наҳотки деган гаплар бошланди, энг қизиқарли кураш бўлмас экан-да. Ҳакам даъвогар топилмаслигини тушуниб навбатни майда-чуйда полвонларга беришга оғиз жуфтлаган эди, «мана мен даъвогар» деган товуш эшитилди. Ҳамма ҳайрон, ҳамма таажжубда. Баъзилар кўзларига ишонишмайди. Даврага Шомастбийнинг ўғли Шохруҳбий кириб келди. Бундай бўлишини Шомастбийнинг ўзи ҳам кутмаган эди. Унинг атрофидагилар хавотирлик билан унга тикилдилар.

– Майли, – деди Шомастбий бироз мулоҳаза қилиб. – Майдонга чиқдимиз тамом, энди қайтариб бўлмайди, ўғлим ўз кучига ортиқча баҳо берадиган бўлиб қолган чамамда.

Ҳаяжонли кураш бошланди. Халилхўжа полвон Шохруҳ-

бийга нисбатан икки баровар улкан, бундай давангирни йикитиш учун унга тўрт баравар куч керак. Полвонлар ро-са чиранишди, шунча йиллар давомида катта тажриба ор-тирган Халилхўжанинг синовдан ўтган усуллари иш бермас, куч-қувватда бундай рақибни асло учратмаган. Уринишлар ҳам, шиддат ҳам бефойда. Вақт ўтган сари чарчаш ўрни-га рақибининг кучига куч қўшилиб бормоқда. Уни бирин-чи марта қўрқув эгаллай бошлади. Борди-ю енгилса, шун-ча йиллик шон-шухрат чилпарчин бўлади, енгилмас деган фикр синади. Ана шу қўрқув уни мағлубият томон етаклай бошлади, ишонч йўқолиб кучи камайиб борарди. Чарчаш ва руҳий толиқиш бошланди. Кутилмаганда Халилхўжа пол-вон ердан узилиб бир газ юқорилади, чирпиракдек бир ай-ланиб Шохруҳбийнинг оёғи остига кулади. Қий-чув, шо-вқин-сурон, қарсақлар ҳеч қаерга сиғмай кетди, олқишлар анча пайтгача тинмади. Нима бўлганини англашга ҳам ул-гурмаган полвонни Шохруҳбек даст кўтариб ўрнидан турга-зиб қўйди-да, елкасига уриб қойил қолганини изҳор қилди. Халилхўжа ўзига келди, юзига қизил югуриб Шохруҳбий то-монга таъзим қилди, мардлиги учун миннатдорчилик бил-дирди. Шохруҳбийнинг таклифи билан анжуман учун ажра-тилган энг катта соврин Халилхўжа полвонга берилди ҳамда банорас тўн кийгизиб, шоҳи қийиқ ҳам боғлаб қўйишди.

– Дада, мендан хафа бўлгандирсиз, – деди у хайиқибгина отаси томон яқинлашиб.

– Хафа бўлганимни билиб турибсан ўғлим, – деди Шо-

мастбий ўғлига таънаомуз тикилиб. – Мени қанчалик асабийлашишимни билиб туриб шу ишга азм қилдинг. Борди-ю мағлуб бўлсанг нима деган одам бўлар эдик?

– Дадажон, ахир кўркмасликни, мағлубиятдан чўчимасликни ўзингиз ўргатгансиз-ку?

– Ғалабага ҳисоб-китоб қилиб эришилади, у таваккалчиликни ёқтирмайди.

– Мен ахир барча нарсани ҳисоблаб бу ишга қўл урдим, шунинг учун ютиб чиқдим-да.

– Мағлуб бўлишинг ҳам мумкин эди.

– Ғалабани қўлга киритиш учун мағлубиятни ўйлама деб эдингиз.

– Мен сен хон бўлишингни хоҳлайман, полвон бўлишингни эмас.

– Бундан буён бундай иш қилмайман.

– Ҳа майли, ҳар ҳолда омад сен томонда бўлди, энди кераксиз ишларга қўл урма.

Карнай-сурнай овозлари оламини ларзага солар, Шохрухбий хурсанд эди. Битта ўта хатарли тасодиф чекинди, яхшилик билан яқунланди. Агар мағлуб бўлганида хонлар авлодининг хонадони шаънига яхши бўлмас эди. Буни Шохрухбий яхши ҳис қиларди.

\*\*\*

– Ойбарчинга совчилар келишибди, нима дейишни билмадим.

– Қизингни жуда кўхлик деб эшитган эдим, – деди Ашир-

бек дўсти Юсуфга тикилиб. – Ўзимиздан ортмас эди-ю...

– Мен ҳам шундай фикрда эдим.

– Ким экан у совчилар?

– Чодакдан келишибди.

– Чодак хожалариданми?

– Худди шундай.

– Улар икки гуруҳга бўлинишган, бирлари махдуми Аъзам деса, бошқалари Ҳазрат Офоқхўжанинг авлодлариданми деб даъво қиладилар. Улар анча йиллардан буён бизнинг юртимизга хўжайинлик қилишдан воз кечмай келмоқдалар.

– Бизнинг худудларимиз Бухоро Амирлигига қарайди-ку?

– Амир ўз ҳукмронлигини шуларга суяниб амалга оширади, улар ўлпон устига ўлпон йиғиб халқни безор қилмоқдалар.

– Бек ака, ўзимиз мустақил бир салтанат тузсак бўлмай-дими?

– Айтишга осон, бундай ишларни амалга оширишни бизлар ҳам кўп ўйлаганмиз, ҳозирчалик бу ишларнинг ечими топилган эмас.

– Мен нима қилай ака?

– Сен розилик беравер.

– Сиз шунга розимисиз?

– Ҳа, мен розиман. Қизалоғингни «хожалар» уруғига узатиш ҳар томонлама бизлар учун фойдали. Тўйни ўзимиз ўтказиб берамиз.

– Раҳмат бек ака, менга жавоб.

– Тўйнинг маслаҳати учун алоҳида келасан. Катта базм уюштирамиз, барча сарф-харажатларни ўзим қиламан.

Минглар уруғидаги аҳилликка барчанинг ҳаваси келар, улар худди бир оиладек бирга меҳнат қилиб, бирга қувонишар, бир-бирларига ҳамдард ва меҳрибон эди. Мавсумий ишлар, деҳқончилик муаммоларини, айниқса ариқларни тозалаш, ерларни ўзлаштиришда бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилишар, бирор киши иморат қурмоқчи бўлса ҳашар йўли билан бир неча кун ичида битказиб беришарди, шу боис бу уруғнинг теварак-атрофдагиларга нисбатан мавқеи жуда ортиқ бўлиб, тўй ва маросимлари ҳам бамаслаҳат ва тартибли ўтарди.

Шомастбийнинг таклифига биноан теварак-атрофдан нуфузли ва хос одамлар кириб кела бошлашди. Меҳмондорчилик баҳонасида Шомастбий узоқ вақтлардан буён ўйлаб юрган режасини амалга ошириш чораларини маслаҳатлашиб олмоқчи.

– Ҳурматли оқсоқоллар, чодаклик хожалар Юсуфхўжанинг қизига совчи бўлиб келибдилар, – деди Шомастбий уларга маъноли тикилиб. – Биз бажонидил розилик бердик. Анча вақтдан буён мўлжаллаб келаётган ишларимизни амалга ошириш фурсати етганга ўхшайди.

– Сиз нима десангиз биз тайёرمىз, – дейишди оқсоқоллар бир овоздан.

– Келишиб олганимиздек тўйни тантанали ўтказамиз, барча Чодак хожаларини таклиф қиламиз. Улар эртага жавоб

олиш учун келадилар.

– Бўладиган ишларни бўлишиб оламиз.

Теварак-атроф оқсоқоллари билан гапни бир жойга қўйгандан сўнг Шомастбий тўй тайёргарликларини кўра бошлади. Тўй қайси куни бошланади, неча кун давом этади, нечта хонадон жалб этилади барчаси режалаб қўйилди. Тўйга барча Чодак хожалари таклиф қилинди. Сарпо ва совға-саломлар тайёрлаб қўйилди. Бу тўй жуда дабдабали бўлмоғи даркор, чунки унинг якуни юрт тақдирини ҳал қилиши мумкин.

Чодак хожалари таклифни жуда мамнуният билан қабул қилдилар, чунки бу куда-андачилик энг нуфузли «Минг» уруғи билан дўстлик риштасини мустаҳкамлайди, теварак-атрофдаги мавқелари янада ошади. Улар катта совға-саломлар билан кириб боришга тайёрлана бошладилар.

\*\*\*

– Менга қара Эргашхўжа, бўлажак тўйга жуда пухта тайёрланишимиз лозим. Теварак-атрофда тўйга таклиф қилинмаган бирорта қишлоқ ёки овул қолмасин. Барчанинг меҳрини қозонишимиз шарт ва зарур. Қазии-қарталарни мўл қилинглари, қимиз ва қимрон ҳам эсингдан чиқмасин. Қанча қўю-эчки кетса аяманглари.

– Барчасини бажарамиз, асло хижолат бўлманг.

– Ҳа айтгандек, анчагина шароб ҳам ғамлашимиз керак.

– Бироз тушунмайроқ турибман ота, – деди Эргашхўжа хайратини яширмай. – Ахир сиз тўйларимизда шароб ичишни таъқиқлаб қўяр эдингиз-ку?

– Бу сафар шароб ичишга рухсат бераман. Сабабини сўраб ўтирма, буни кейинроқ биласан.

– «Хожалар» учун заррин тўн тайёрлайликми?

– Менимча бунга зарурат бўлмаса керак.

– Нега? Улар икки юз киши бўлиб келишар эмиш.

– Йигитларга шундай топшириқ берасан, хожаларнинг бирортаси менинг ижозатимсиз кетиб қолмаслиги керак.

– Барча топширигингиз бажарилади.

– Сенга рухсат, менга Шоҳрухбийни чақириб қўйинглار.

\*\*\*

– Йўлбарс билан бўлган олишувдаги жасурлигингни эшитдим, – деди у ўғлига меҳр билан тикилиб. – Анчагина қалтис ҳаракат қилибсан.

– Бундай жасорат кўрсатишни сиздан ўрганганман.

– Катталардан кўп нарса ўрганиш жуда яхши фазилат, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳаётингни хавф-хатарга қўйиб ҳаракат қилма.

– Келажакда бунга эътибор бераман.

– Бир йиртқични омон сақлайман деб жуда қалтис иш қилибсан. Агар озгина адашиб қолганингда йўлбарс сени авайлаб ўлтирмас эди.

– Йўлбарслар одамларга ноўрин тажовуз қилишмайди деган эдингиз...

– Тўғри, шундай деганман. Сен ҳам уларга ноўрин тажовуз қилма дейман, лекин ҳужумга учрасанг ҳар қандай йўл билан ўзингни ҳимоя қилишга ҳақлисан.

Шохрух отасининг ўғитларини сўзсиз бажарар, ана шу сифати билан унинг чинакам меҳрини қозонган эди. Шунинг учун бу бироз қизариб отасига тикилганича индамай кулоқ соларди.

– Ўғлим, бугун мени ҳар қачонгидан ҳам диққат билан тинглагин. Бизлар хон авлодидан эканимизни ҳар доим эслаб юрмоғинг лозим. Сени келажакда улкан ишлар кутмоқда, бундай ишларни фақат жасурлик билангина бажариб бўлмайди. Сен бошқалардан кўра уқувли, билимли, бардошли ва сезгир бўлмоғинг лозим. Кишиларнинг кўнглидан нелар ўтаётганини гапирмасларидан аввалроқ билишинг, дўст билан душманни, хушомад билан самимийликни ҳамма ерда фаҳмламоғинг лозим. Эҳтимол сен яқин кунлар ичида ўлкамизнинг ҳукмрони бўларсан. Ҳукмрон бўлиш эса ўта масъулият, ўта нозик ва хавфли вазифа. Ана шулар ҳақида ўйлаб кўрганмисан?

– Бу масалалар хусусида чуқур бир билимга эга эмасман.

– Бухоро Амирлигига тобе эканлигимизни яхши биласан. Амир бизларни гўё ўғай фарзандидек кўради. Юртимизни кўрқувда ушлаб туриш учун мутаассиб рухонийлар, риёкор хушомадгўйлардан усталик билан фойдаланади. Жаҳолат ва илмсизликнинг авж олиши учун айни муддаодир. Шундай гўзал ўлка, шундай истеъдодли миллат ривожланмаётганининг сабаби шунда. Минг уруғи теварак-атрофдаги музофотлар ичида энг улкан, энг аҳил эл. Шу сабабдан мустақил бир салтанат тузиш йўлидаги энг улкан, энг қийин вазифа

бизнинг зиммамизда бўлади. Бу йўлдаги тўсиқларнинг барчасини биз ҳали билмаймиз, лекин бир нарса равшан. Халқ амирнинг зулмидан, бизларнинг камситилишимиздан тўйган, учкун чиқса бас, у алангага айланади. Амир бизга бўлган ҳукмронликни хожалар қўли билан бажаришига сабаб шуки, юртимиздан олинаётган даромаднинг бир қисмига уларни шерик қилиб қўйган. Чумолидек увол бўлган бу кишилар бизларга ҳукмрон бўлганликларидан қувониб амирга садоқат билан хизмат қиладилар. Биз бу дастгоҳни яқин ўртада синдириб ташлаймиз, янгисини тузиш эса бениҳоя қийин ва хатарли. Умид қиладиган жойимиз шуки, халқнинг хоҳиши биз томонда халқ жуда қудратли мўъжиза.

\*\*\*

Чодак атрофи тоғлар билан ўралган. Чодаксоё бўйида жойлашган бир неча кичик-кичик қишлоқлардан иборат. Аҳолиси сийрак бўлиб, тирикчилик учун зарур бўлган неъматлар етиштириш чекланган. Асосан наъматак ва ҳар хил гиёҳлар тайёрлаш, ўрик ва ёнғоқ мевалари етиштириш билан шуғулланишар, деҳқончилик учун яроқли ерлар кам бўлганлиги учун кўпчилик чорвачилик билан шуғулланар эди. Табиат инъомларининг чекланганлиги, ҳунармандчиликнинг йўқлиги сабаб бу ерларда катта мулк эгалари ҳам йўқ. Турмуш тарзи жуда одми, аҳолиси ўзбек ва тожиклардан иборат бўлиб, тинч ва осойишта ҳаёт кечиришар, шўх оқар ягона сойнинг шовқинини ҳисобга олинмаса, доим сокинлик ҳукм суларди. Ҳавоси тоза, табиати гўзал бу маскан-

нинг одамлари жуда ювош, соддадил бўлиб ҳукмронлик қилиш учун ҳеч қандай қудратга эга эмасдилар. Ўзларини улуғ зотлар авлодидан деб билгувчи хожалар Бухоро Амирининг қўғирчоғи эдилар холос. Кимнингдир ташаббуси билан барпо қилинган бошқарувнинг бу усули жуда заиф, ҳеч қандай кучга таянмаган бўлиб, бу заифликни минг уруғининг сардори Шомастбий бошқаларга нисбатан яққолроқ кўра олган ва анчадан буён уни синдириб ташлаш тараддудига пинҳона киришган эди. Унинг мўлжалидаги кун яқинлашиб қолгани аниқ. Бирор анжуман ниқобида бошлаш энг қулай усул бўлади.

# Конец ознакомительного фрагмента.

Текст предоставлен ООО «ЛитРес».

Прочитайте эту книгу целиком, [купив полную легальную версию](#) на ЛитРес.

Безопасно оплатить книгу можно банковской картой Visa, MasterCard, Maestro, со счета мобильного телефона, с платежного терминала, в салоне МТС или Связной, через PayPal, WebMoney, Яндекс.Деньги, QIWI Кошелек, бонусными картами или другим удобным Вам способом.